

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:  
№ 5A510116  
2020 йил "08" 09



УМУМИЙ ТИББИЙ ПСИХОЛОГИЯ  
МОДУЛ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	500 000	– Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси:	510 000	– Соғлиқни сақлаш
Мутахассислик:	5A510116	–Тиббий психология

Тошкент – 20\_\_

**Тузувчилар:**

**Ибодуллаев З.Р.** – ТТА “Асаб касалликлари, тиббий психология ва психотерапия курси билан” кафедраси профессори, т. ф. д.

**Махаматжанова Н.М.** – ТТА “Асаб касалликлари, тиббий психология ва психотерапия курси билан” кафедраси ассистенти

**Такризчилар:**

**Муратов Ф.Х.** - ТТА “Асаб касалликлари, тиббий психология ва психотерапия курси билан” кафедраси профессори, т. ф. д.

**Абдуллаева В.К.** – ТошПТИ “ Психиатрия, наркологиya, болалар психиатрияси, тиббий психология ва психотерапия” кафедраси мудириси, т.ф.д.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилган.

Модул дастури Тошкент тиббиёт академияси Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2020 йил “29 июл” даги “18”-сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш Кенгашининг 2020 йил “25” августдаги “2”-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил “8” сентябрдаги “236”-сонли буйруғининг 5-иловаси билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

## **I. Ўқув модулининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

Тиббий психолог – аҳолига юқори малакали тиббий-психологик ёрдам кўрсатувчи мутахассис. Умумий тиббиёт психологиясида талабаларга тиббий психология методологияси, психологик суҳбат қуриш ва психологик анамнез йиғиш усуллари, миянинг функционал анатомияси, клиник тиббиётда психологик тестларни танлаб қўллаш технологияси, аҳоли орасида психогигиена ва психопрофилактикани ўтказиш услублари, билиш жараёнларини текшириш усуллари, классик ва замонавий психотерапия усуллари, нейропсихология ва нейропсихологик текшириш усуллари, психосоматик бузилишлар ва органик касалликларни аниқлашда параклиник текшириш усуллари ўргатилади.

Тақдим этилаётган ушбу дастур тиббиёт психологиясининг замонавий ютуқлари асосида тузилган бўлиб, бунда ўқув жараёнида қўлланилаётган янги услуб ва технологиялар тўлалигича ҳисобга олинган.

## **II. Ўқув модулининг мақсади ва вазифаси**

### **2.1. Модулнинг мақсади:**

Умумий тиббиёт психологиясини ўқитишдан мақсад талабаларга тиббий-психологик текшириш қонун-қоидалари, психологик суҳбат қуриш услублари, психогигиена, психопрофилактика, психодиагностика, психотерапия ва функционал текшириш усуллари ҳақида мукамал билим бериш ва уларда амалий кўникмаларни шакллантириш. Шунингдек, тиббий психологияда билиш жараёнларини ўргатиш ва уларни текшириш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш ҳам фан дастурининг асосий мақсадларидан биридир.

### **2.2. Модулнинг вазифалари:**

- тиббий психологиянинг соғлиқни сақлаш тизимида тутган ўрни, аҳоли руҳий саломатлигини сақлашда тиббий-психологик хизматнинг аҳамияти ҳақида замонавий билимларни шакллантириш;
- мия ва руҳий жараёнлар, анализаторлар, миянинг функционал блоклари, марказий нерв системасининг фило- ва онтогенези ҳақида замонавий билимларни ривожлантириш;
- руҳият шаклланиши ва психофизиологик ривожланишнинг асосий босқичлари ҳақида замонавий билимларни такомиллаштириш;
- тиббий психологияда билиш жараёнлари, яъни сезги ва идрок, диққат ва хотира, нутқ ва тафаккур, онг ҳақидаги замонавий билимларни ривожлантириш;
- шахс, темперамент, характер, ҳиссиёт ва стресс ҳақидаги замонавий билимларни такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- психогигиена ва психопрофилактика ҳақидаги замонавий билимларни ривожлантириш;
- психоанализ ва психодинамик терапия ҳақидаги билимларни шакллантириш;
- гештальтпсихология, бихевиоризм ҳақидаги билимларни шакллантириш;
- психологик суҳбат ўтказиш қонун-қоидалари ва психологик тестлардан фойдаланишнинг умумий услублари ҳақидаги билимларни шакллантириш ва такомиллаштириш;
- психотерапиянинг умумий қонун-қоидалари ҳақидаги билимларни шакллантириш ва такомиллаштириш;
- гипноз техникасини ўзлаштириш ва гипнотерапия усуллари ўрганиш;
- тиббий психологияда функционал диагностика усуллари, яъни ЭКГ, ЭЭГ, рентген, МРТ, дуплекс, УТТ ва лаборатор текширувлар ҳақидаги билимларни шакллантириш, такомиллаштириш ва унинг ҳулосаларини мустақил равишда интерпретация қилишни ўргатиш;
- нейрпсихологик синдромларнинг шаклланиш механизмлари, топографияси, диагностикаси ва нейрпсихологик текшириш ҳамда нейрпсихологик тестлардан фойдаланиш усуллари ҳақидаги билимларни шакллантириш ва ривожлантириш;
- тиббий-психологик ҳужжатларни юргизиш, режа тузиш ва даволаш-профилактика бўлимларини бошқаришдан иборат.

### **2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

#### **Талаба:**

- тиббий психологиянинг соғлиқни сақлаш тизимида тутган ўрни, аҳоли руҳий саломатлигини сақлашда тиббий-психологик хизматнинг аҳамияти ҳақида замонавий билимларни шакллантириш;
- мия ва руҳий жараёнлар, анализаторлар, миянинг функционал блоклари, марказий нерв системасининг фило- ва онтогенези ҳақида замонавий билимларни ривожлантириш;
- руҳият шаклланиши ва психофизиологик ривожланишнинг асосий босқичлари ҳақида замонавий билимларни такомиллаштириш;
- тиббий психологияда билиш жараёнлари, яъни сезги ва идрок, диққат ва хотира, нутқ ва тафаккур, онг ҳақидаги замонавий билимларни ривожлантириш;
- шахс, темперамент, характер, хиссиёт ва стресс ҳақидаги замонавий билимларни такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- психогигиена ва психопрофилактика ҳақидаги замонавий билимларни ривожлантириш;
- психоанализ ва психодинамик терапия ҳақидаги билимларни шакллантириш;

- гештальтпсихология, бихевиоризм ҳақидаги билимларни шакллантириш;
- психологик суҳбат ўтказиш қонун-қоидалари ва психологик тестлардан фойдаланишнинг умумий услублари ҳақидаги билимларни шакллантириш ва такомиллаштириш;
- психотерапиянинг умумий қонун-қоидалари ҳақидаги билимларни шакллантириш ва такомиллаштириш;
- гипноз техникасини ўзлаштириш ва гипнотерапия усулларини ўрганиш;
- тиббий психологияда функционал диагностика усуллари, яъни ЭКГ, ЭЭГ, рентген, МРТ, дуплекс, УТТ ва лаборатор текширувлар ҳақидаги билимларни шакллантириш, такомиллаштириш ва унинг хулосаларини мустақил равишда интерпретация қилишни ўргатиш;
- нейропсихологик синдромларнинг шаклланиш механизмлари, топографияси, диагностикаси ва нейропсихологик текшириш ҳамда нейропсихологик тестлардан фойдаланиш усуллари ҳақидаги билимларни шакллантириш ва ривожлантириш;
- тиббий-психологик хужжатларни юргизиш, режа тузиш ва даволаш-профилактика бўлимларини бошқариш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**
- Тиббий психологиянинг бошқа ёндош касалликлар билан боғлиқ бўлган патологияларини замонавий усуллар билан ташхислаш, ушбу усулларни ишлатиш бўйича билимларни ривожлантириш;
- Тиббий психолог амалиётида ишлатилувчи даволаш, диагностика тадбирларини етарли ҳажмини мустақил аниқлашни ривожлантириш;
- Тиббий психология соҳасидаги турли хил психосоматик ва соматопсихик касалликлари бор бўлган беморларда керакли ҳамда адекват даволаш диагностик муолажаларни бажаришни ўргатиш;
- Тиббий психологнинг кундалик амалиётида ишлатилувчи замонавий лаборатор ва инструментал текшириш натижаларини таҳлил қилишни ўрганишни ривожлантириш;
- Тиббий психология соҳасидаги долзарб муаммоларини ечиш ва психосоматик ва соматопсихик касалликларнинг тарқалишини олдини олиш чораларини олиб бориш.
- Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйдаги талаблар қўйилади:

### 3. Асосий қисм

#### 3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:

*Модулда маъруза машғулотлари кўзда тутилмаган*

**3.2. Модулдаги семинар ва амалий машгулотларнинг мавзулари, ҳар бир мавзу бўйича ўқув юкламасининг ҳажми ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

**3.2.1. Амалий (семинар) машгулотларининг мавзулар руйхати:**

**1-мавзу. Тиббиёт ва психология. Ўзбекистонда тиббиёт психологиясининг ривожланиш тарихи. Тиббиёт психологияси оид классик ва замонавий таълимотлар.**

Тиббиёт ва психология. Ўзбекистонда тиббиёт психологиясининг ривожланиш тарихи. Психологиянинг тиббиётда тутган ўрни. Мия ва рухий жараёнларга оид бахс-мунозаралар. Тиббиёт психологияси бўлимларининг шаклланиши. Врач-бемор-хамшира учлиги.

Тиббиёт психологияси оид классик ва замонавий таълимотлар. Франц Галл таълимоти. Карл Ясперс, Эмил Крепилин. Эрнест Кречмер, Зигмунд Фрейд каби олимларнинг тиббий психологияга оид қарашлари. Бугунги кун тиббиёт психологияси.

**2 мавзу. Нерв системасининг тузилиши ва функционал анатомияси. Бош мия - руҳият маркази.**

Нерв системасининг тузилиши ва функционал анатомияси. Мааркказий ва периферик нерв системаси. Бош мия ва орқа мия. Рефлектор фаолият. Шартли ва шартсиз рефлекслар. Афферент ва эфферент системалар. Мияча ва координация.

Бош мия - руҳият маркази. Бош миянинг функционал анатомияси, функционал системалар топографияси. Проекцион, комиссурал ва ассоциатив йўллар. Лимбикоретикуляр комплекс. Синапслар фаолияти.

**3 мавзу. Нейротрансмиттерлар. Анализаторлар.**

Нейротрансмиттерлар. Гипоталамо-гипофизар система ва нейроэндокрин фаолият.

Анализаторлар. Нерв системасининг интегратив функциялари. Пўстлоқ ва пўстлоқости тузилмаларининг аналитик-синтетик фаолияти. Бирламчи ва иккиламчи сигнал системалари. Кўрув, эшитув, хид ва таъм билиш, ҳаракат, умумий сезги анализаторларининг анатомио-физиологик тузилиши. Ассоциатив марказларнинг ишлаш тамоили.

**4-мавзу. Вегетатив нерв системасининг анатомио-функционал хусусиятлари.**

Вегетатив нерв системасининг анатомио-функционал хусусиятлари. Симпатик ва парасимпатик нерв системаси. Одамларнинг симпатик ва парасимпатик (ваготоник) устуворликка қараб таснифланиши.

Симпатикотониклар ва ваготониклар.

**5-мавзу. Сезги аъзолари ва турлари. Сезги физиологик механизмлари. Сезги бузилишига олиб келувчи касалликлар.**

Сезги аъзолари ва турлари. Экстрорецептив, проприорецептив ва висцерал сезги. Соматосенсор муносабатлар.

Сезги анализаторлари ва уларнинг анатомио-физиологик хусусиятлари. Сезги ва рефлектор жараёнлар. Соматосенсор сигналлар. Оддий ва мураккаб сезгиларнинг рухият шаклланишидаги ахамияти. Сезги ва ташқи мухит.

Сезги физиологик механизмлари. Оғрик ва унинг нейрокимиёвий механизмлари. Оғрик психологияси. Шартли рефлектор фаолият. Сезги бузилишига олиб келувчи касалликлар. Функционал ва органик типдаги сезги бузилишлари. Анестезия, гипестезия, гиперестезия, парестезия, аналгезия, гиперпатия, астереогнозия.

**6-мавзу. Идрок физиологик механизмлари. Идрок паталогияси.**

Идрок физиологик механизмлари. Бирламчи идрок. Идрок ва унинг асосий хусусиятлари. Қўрқув оркали идрок этишнинг бош мияда акс эттирилиш механизмлари. Идрок шаклланишида ассоциатив марказлар ахамияти. Идрок ва доминант муносабатлар.

Идрок паталогияси. Галлюцинация, иллюзия, деперсонализация, дереализация, анозогнозия.

**7-мавзу. Диққат ва хотира.**

Диққат хақида умумий маълумотлар. Диққат нейрофизиологик, биогенетик ва нейрокимиёвий механизмлари.

Диққат ўткирлиги ва тезлиги тушунчалари. Диққат паталогияси: Паришонхотирлик.

Хотира психологияси ва феномени. Хотира жараёнини таъминлашда нейротрансмиттерлар ўрни.

Хотиранинг кортикал топографияси. Хотира анализаторлари. Ахборотларни эслаб қолишда гиппокампнинг ахамияти.

Хотира бузилишига олиб келувчи паталогик ҳолатлар ва касалликлар. Модал-специфик ва модал-носпецифик типдаги хотира бузилишлари. Амнезия, гиперемнезия, конфабуляция (сохта хотира), псевдореминисенция.

**8-мавзу. Тафаккур ва интеллект.**

Тафаккур хақида умумий маълумотлар. Тафаккурнинг физиологик, генетик ва биокимёвий механизмлари. Фикрлаш жараёни ва нейротрансмиттерлар.

Тафаккур жараёни ва нейротрансмиттерлар. Хотира ва тафаккур. Тафаккур ва ақл. Тафаккур ва жамият. Тафаккур психологияси

Тафаккур бузилишига олиб келувчи патологик ҳолатлар ва касалликлар. Тафаккурнинг туғма ва орттирилган бузилишлари.

Олигофрения ва унинг босқичлари: дебиллик, имбециллик, идиотия. Деменция. Псевдодеменция.

Интеллект ва интеллектуал операциялар. Аутизм касалигининг ривожланиш механизмлари. Аутизм касаллигида беморларни жамиятга қўшиш, суҳбат олиб бориш қоидалари.

### ***9-мавзу. Онг. Онг патологияси.***

Онг. Умумий маълумотлар. Онг онтогенези. Онг ва рухий жараёнлар. Онг ва жамият. Билиш жараёнларининг онг ривожланишидаги ахамияти. "Маугли синдроми"

Онгнинг психотик бузилишлари. Сомнамбулизм. Обнубуляция. Делирия. Онейроид. Аменция. Деперсонализация ва б.к. Онгнинг нопсихотик бузилишлари. Сомноленция (уйқу босиши). Сопор. Кома. Синкопе ва б.к. Онгнинг психотик ва нопсихотик бузилишига олиб келувчи патологик ҳолатлар ва касалликлар. Онгни психологик, нейропсихологик ва неврологик текшириш усуллари. Сопор ва кома даражасини аниқлаш учун Глазго шкаласи.

### ***10-мавзу. Ҳиссиёт ва мотивация. Ҳиссиёт патологияси.***

Ҳиссиёт ҳақида умумий маълумотлар. Ҳиссиётнинг нейро- ва психофизиологик ҳамда биокимёвий механизмлари.

Ҳиссиёт учун масъул тузилмалар. Лимбик система ва ҳиссиёт. Неокортекс ва ҳиссиёт. Серотонин ва бошқа нейротрансмиттерлар. Вегетатив нерв системаси ва ҳиссий реакциялар. Ҳиссиёт ва нейроэндокрин система.

Мотиватсия тушунчаси. Унинг ҳиссиёт билан боғлиқлиги. Демотиватсион синдром. Мотиватсия ошириш усуллари.

Ҳиссиёт бузилишига олиб келувчи патологик ҳолатлар ва касалликлар. Физиологик ва патологик аффект.

Эйфория. Дисфория. Мания. Ҳиссий амбивалентлик. Апатия. Депрессия.

### ***11-мавзу. Стресс. Стресс назарияси ва босқичлари.***

Ганс Селенинг стресс назарияси. Стресс босқичлари. Стресс ва ҳиссий реакциялар. Стресснинг билиш жараёнларига таъсири. Стресс ва темперамент типлари. Стресс ва характер.

Ўткир ва сурункали стресс. Стресс ва вегетатив реакциялар. Стресс ва психосоматик муносабатлар.

Стресс ва турли касалликлар (функционал, органик).

Онгсиз мавжудотларда стрессни чакириш билан боғлиқ экспериментлар ва уларнинг хулқ-атворидаги ўзгаришлар.

### ***12-мавзу. Темперамент ва характер.***

Темперамент хақида Гиппократ таълимоти. Темперамент ва унинг типлари: сангвиник, флегматик, холерик ва меланхолик.

Темпераментни шахсга боғлаб ўрганувчи назариялар. Кречмер типологияси. Шелдон типологияси (витсеротония, соматотония, серебротония).

Характернинг индивидуал-психологик хусусиятлари. Характер хақида таълимотлар. Характер ва жамият. Характер типологияси. Характер ва темперамент. Тарбия ва характер. Характер генетикаси.

Характер акцентуатсияси. Шахс ва характер. Психопатиялар.

### ***13-мавзу. Шахс. Шахс хусусиятлари. Шахс типлари.***

Шахс хусусиятлари. Онтогенезнинг турли даврларида шахснинг шаклланиши. Шахс ва жамият. Индивид ва шахс.

Шахс ва хулқ-атвор. Шахс ва оила. Тарбия ва шахс. Шахс ва иктидор. Шахс генетикаси. Буюк шахслар.

Леонгард бойича шахс типлари. Айзенк бойича шахс типлари. Павлов бойича шахс типлари. Шахснинг бошқа таснифлари. Шахс психологияси.

### ***14-мавзу. Ирода ва хулқ-атвор.***

Ирода ва хулқ-атвор. Ирода ва туйғулар - мураккаб хулқ-атвор комплекси

### ***15-мавзу. Кайфият тушунчаси.***

Кайфият тушунчаси. Кайфиятнинг нейромедиатор механизмлари. Кайфиятга таъсир килувчи ички ва ташки факторлар.

### ***16-мавзу. Оила психологияси. Оила ва никох. Ота-оналик тушунчаси. Ота-она ва фарзанд муносабатлари.***

Оила психологияси. Оила ва жамият. Оила тоифалари: "Ота-қиз" тоифасидаги оила. "Она-ўғил" тоифасидаги оила. "Ака-сингил" тоифасидаги оила. Ота-она ва фарзандлар орасидаги психологик муносабатлар. Ўғил бола

психологияси. Қиз бола психологияси. Оилада мулоқот ва оилавий низолар.

Оила ва никоҳ. Никоҳ ёши хусусиятлари. Оиладаги низолар келиб чиқиш механизмлари ва омиллари. Эр-хотин муносабатлари. Репродуктив давр психологияси.

Ота-оналик тушунчаси. Оила боланинг бирламчи социал институт сифатида ўрганиш. "Қаттиққўл ота синдроми". "Мен" онгининг шаклланиши.

Ота-она ва фарзанд муносабатлари. Тарбиялаш мотивлари. Тарбия бериш нормал ва патологик турлари. "Бебош бола" синдроми.

Оиладаги муносабатлар, бола тарбияси турлари, оилавий кризис сабаблари ва таъсир омиллари ўрганиш психодиагностикаси.

### ***17-мавзу. Тиббиёт амалиётида Психодиагностика умумий қоидалари. Беморни психологик суҳбатга тайёрлаш.***

Тиббиёт амалиётида Психодиагностика умумий қоидалари. Рухий саломатлик тушунчаси. Соғлом одам ва бемор психологияси. Касалликга бўлган психологик реакция ва унинг типлари.

Беморни психологик суҳбатга тайёрлаш. Психологик суҳбат ўтказиш санъати. Психологик анамнез йиғиш. Психологик суҳбат турлари. Интервью, сўровнома тўлдириш, кузатувга олиш.

### ***18-мавзу. Ятрогения. Ятропатия. Деонтология.***

Тиббий психолог амалиётида ятрогения ва ятропатия кузатилиши ҳолатлари. Деонтология ва этика тамойиллари.

### ***19-мавзу. Психологик тестлар ва шкалалар орқали беморларни текшириш. Тиббий-психологик диагностикада тестларни танлаб ўтказиш тамойиллари.***

Сезги ва идрок текшириш усуллари ва интерпритатсияси.

Диққат ўткирлиги ва тезлигини ва хотира текшириш усуллари:

- Бурдоннинг корректура синамаси.
- Крепелин бўйича ҳисоблаш қобилиятини текшириш.
- Шулте жадвалларида сонларни топиб чиқиш усули.
- Сонларни тесқари тартибда (100-7) айириб бориш (Крепелин усули)
- 10 та сўзни ёдлаш усули (Эббингауз усули)
- Хикояларни такрор айтиб бериш усули
- Кўрув хотирасини текшириш усули
- Диққат ва хотирани Лурия усуллари бўйича текшириш
- Психологик тесткар (MMSE ва бошқа шкалалар)

Тафаккурни текшириш усуллари:

- "Ортикчасини чиқариб ташлаш" усули
- "Танлаб кўрсатиш" усули
- Фикрлаш фаоллигини аниқлаш усули
- Анология яратиш усули
- Мақоллар ва афоризмлар маъносини тушунтириб бериш
- IQ индексини аниқлаш (Векслер тести)
- Хачински шкаласи, MMSE шкаласи, Монреал шкаласи ва б.к.

Шахсни текшириш усуллари:

- Тугалланмаган гаплар усули
- Тематик-аперцептив тест (ТАТ)
- Айзенк шкаласи
- Миннесот саволномаси (MMPI)
- Люшер тести
- Бошқа тестлар ва шкалалар

Тиббий-психологик диагностикада тестларни танлаб ўтказиш тамойиллари. Стресс психодиагностикаси. Психик ҳолат ва стресс даражасини аниқлаш. Стрессга турғунлик ва моилликни аниқлаш усуллари.

Профессионал стресс ва "Хиссий сўниш"ни диагностик методлари. Посттравматик стресс ва унинг симптомларини аниқлаш методлари.

Депрессия ва хавотирни аниқловчи замонавий ва классик усуллар. Характер бузилишларини аниқлаш усуллари. Характерни психологик тестлар ёрдамида аниқлаш. Кречмер, Леонгард, Шелдон бўйича характер типлари.

### **20-мавзу. Неврологик статусни текшириш:**

Неврологик статусни текшириш:

- Краниал нервларни текшириш ва таҳлил килиш
- Ҳаракат ва рефлексор фаолиятни текшириш ва таҳлил килиш
- Сизги сферасини текшириш ва таҳлил килиш
- Координатор синамаларни текшириш ва таҳлил килиш
- Менингеал симптомларни текшириш ва таҳлил килиш
- Вегетатив бузилишларни текшириш ва таҳлил килиш

### **21-мавзу. Нейропсихологик текширув шкалалари.**

Нейропсихологик текширув шкалалари: Лурия, Хачински, MMSE ва Монреал шкаласи билан фойдаланиш қоидалари.

### **22-мавзу. Болалик ва ўсмирлик даврида психологик текширувлар ўтказиши.**

Болалик ва ўсмирлик даврида психологик текширувлар ўтказиш қонун-қоидалари.

### **23-мавзу. Тиббий психологияда функционал диагностика усуллари .**

Тиббий психологияда функционал диагностика усуллари ахамияти. Органик касалликлар ва психосоматик бузилишларнинг қиёсий ташхисида функционал текшириш усулларидадан фойдаланиш.

Тиббий психологияда электроенцефалографиянинг ахамияти. ЭЭГ ўтказиш техникаси. ЭЭГ кабинети. Электроэнцефалограф турлари. ЭЭГ-холтер. ЭЭГ видео мониторинг. Функционал синамалар. Электроэнцефалография физиологик тулқинлари (алфа, бетта). Уларни интерпритация қилиш.

Электроэнцефалография патологик (тета ва делта) тўлқинлар. Уларни интерпритация қилиш.

Невроз ва психозларда миянинг функционал фаолияти ва ни ЭЭГ текширувлари ёрдамида аниқлаш. Психофармакотерапия муолажаларини ўтказишда ЭЭГ назорати. Нейрофизиологик ва психофизиологик синамалар.

Эпилепсияда ЭЭГ диагностика. Эпилептик тўлқинлар ва уларнинг диагностик ахамияти. Эпихарактерни ЭЭГ ёрдамида ўрганиб бориш. Нейрофизиологик ва психофизиологик синамалар.

Тиббий-психологик диагностикада МРТ, МСКТ ва МРА текширувлари ахамияти. Ушбу текширувлар хулосаларини интерпритация қилиш. Тиббий-психологик диагностикада ултратовуш текширувлар (УТТ, дуплекс) ахамияти. Ушбу текширувлар хулосаларини интерпритация қилиш.

#### ***24-мавзу. Тиббий-психологик диагностикада лаборатор текширувлар ахамияти.***

Тиббий-психологик диагностикада лаборатор текширувлар ахамияти. Умумий лаборатор, биёхимик, иммунологик, вирусологик ва бошқа типдаги лаборатор текширувлар. Тиббий ходимларда сурункали чарчаш синдроми. Унинг сабаблари, белгилари ва диагностика усуллари.

#### ***25-мавзу. Сомнология тушунчаси. Уйқу бузилишлари.***

Сомнология тушунчаси. Уйқунинг физиологик механизмлари. Уйқу жараёнига таъсир ўтказувчи нейротрансмиттерлар.

Уйқу бузилишлари: парасомния, гипосонмия, инсомния ва бошқалар. Нарколепсия ва катаплексия касалликлари.

Уйқу бузилишларни замонавий ва классик текшириш усуллари. Уйқу бузилишлари инсон соғлигига ўтказадиган таъсири.

#### ***26-мавзу. Вегетатин нерв системасининг функционал анатомияси. Вегетатин нерв системасининг текшириш усуллари.***

Вегетатин нерв системасининг функционал анатомияси. Симпатик ва парасимпатик инерватсияга таъсир ўтказувчи нейромидеаторлар. Вегетатив нерв системасининг "Нишон" органлари.

Вегетатин нерв системасиниг текшириш усуллари.

- вегетатив тонус текшириш
- вегетатив реактивлик
- вегетатив фаолиятни тўлиқлигини текшириш

Вегетатив нерв системасини патологияси. Гипервентиляцияцион синдром. Рейно синдроми. Вегетатив кризлар.

### **27-мавзу. Психогигиена.**

Психогигиена умумий тушунчаси, қоидалари, мақсади ва вазифалари. Психогигиенани хориж мамлакатларда қандай тарғиб қилинишининг тажрибасини ўрганиш.

Психогигиена турлари. Ёшга оид психогигиена. Меҳнат психогигиенаси ва бошқа турлари.

Турмуш психогигиенаси. Жинсий алоқа психогигиенаси. Соғлом турмуш тарзи тушунчаси ва унинг ижтимоий, рухий, физиологик ахамияти.

Тиббий - генетик маслаҳатлар ва консултациялар психогигиенаси. Инсоннинг турли ҳаёт тоифасидаги кризис вазиятлари психогигиенаси. (пресуицид вазият, климактерик даврда, ажрим жараёнида бўлган шахс, яқин инсонини ёқотган вазият ва х.к.).

Психологик жароҳатга эга бўлган вазиятлар ва факторлар: бошқариб бўладиган ва бошқариб бўлмайдиган.

### **28-мавзу. Психопрофилактика. Психореабилитация.**

Психопрофилактика тушунчаси, мақсади ва вазифалари. Психопрофилактика турлари ва босқичлари.

Психопрофилактика усуллари. Бирламчи, иккламчи ва учламчи психопрофилактика

Психореабилитация тушунчаси. Психореабилитациянинг этаплари ва турлари.

Коммуникатив маҳорат. Ижтимоий адаптация.

### **29-мавзу. Болалик ва ўсмирлик даври психологияси.**

Болаларнинг рухий саломатлиги. Болалик давридаги рухий ва ментал жараёнларнинг шаклланиши. Болалар билан мулоқот маҳорати. Болалик давридаги кризис жараёнларнинг кечиши

Ўсмирлар рухий саломатлиги. Ўсмирлик давридаги рухий ва ментал жараёнларнинг шаклланиши. Ўсмирлар билан мулоқот маҳорати. Ўсмирлик давридаги кризис жараёнларнинг кечиши.

Болалик ва ўсмирлик давридаги психологик жароҳат етказувчи омиллар. Ота - она ва фарзанднинг қарама - қарши чиқишлар ва уларни бартараф этиш.

### **3.2.2. Амалий (семинар, лаборатория) машғулотларини ташкил этиш**

### ***бўйича умумий қўрсатма ва тавсиялар:***

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жихозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулотларни ўтказишда куйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жихатдан тайёрлаш ва ҳ.к.

### ***3.2.3. Модулни ўқитиш давомида эгаланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар***

#### ***Модул давомида эгаланадиган ротация ва амалий кўникмалар рўйхати:***

##### **1. Тематик ротация: клиник тиббиётда тиббий-психологик текшириш усуллари**

**Ротация мақсади.** Тиббий-психологик текшириш қонун-қоидаларини ўзлаштириш.

##### ***Талаба куйидагиларни бажара олиши зарур:***

- тиббий-психологик текширувлар ўтказишнинг умумий қонун-қоидаларини;
- тиббий психология методологияси;
- сезги ва идрокни текшириш усуллари;
- диққат ва хотирани текшириш усуллари;
- шахс типларини аниқлаш;
- ҳиссиётни текшириш усуллари;
- тафаккурни текшириш усуллари;
- онгни текшириш усуллари;
- темперамент ва характерни текшириш усуллари билиши зарур.

##### **2. Тематик ротация: Нерв системаси ва психология**

**Ротация мақсади:** Нерв системасининг функционал анатомияси билан таништириш, мия ва руҳий жараёнлар ҳақида маълумот бериш.

##### ***Талаба куйидагиларни бажара олиши зарур:***

- невростатусни текширишни;
- нерв системасининг функционал анатомиясини;
- миянинг функционал блоклари фаолияти фарқлай олиши;
- неврологик текшириш усулларини;
- мия ва рухий жараёнларни текширишни билиши керак;

### 3. Тематик ротация: Психодиагностика

**Ротация мақсади:** психологик суҳбат куриш, психологик анамнез йиғиш ва психологик тестларни танлаб қўллаш

**Талаба қуйидагиларни бажара олиши зарур:**

- психологик суҳбат куришни;
- психологик анамнез йиғишни;
- психологик тестлар билан таништириш ва уларни танлаб ўтказишни;
- зарур ҳужжатларни (психологик сўровнома, психологик тестлар варақаси, психологик текширув натижаларини қайд қилиш) юритишни бажара олиши керак.

### 4. Тематик ротация: Функционал диагностика

**Ротация мақсади.** Клиник психологияда функционал диагностика усулларини қўллаш, органик ва психосоматик бузилишларни қиёсий ташхис қилишда олинган маълумотлардан фойдаланиш.

**Талаба қуйидагиларни бажара олиши зарур:**

- ЭЭГ ўтказиш техникасини ўрганиб, унинг натижаларини таҳлил қилиб амалиётга қўллаш усуллари билиши;
- МСКТ/МРТ натижаларини таҳлил қилиши;
- УТТ натижаларини таҳлил қилиши;
- Лаборатор текширувлар натижаларини таҳлил қилиши керак.

### 6. Тематик ротация: Педиатрия

**Ротация мақсади:** педиатрия амалиётида беморларни текшириш ва тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш кўникмаларига эга бўлиш.

**Талаба қуйидагиларни бажара олиши зарур:**

- болалик даврида психологик суҳбат ўтказиш усулларини билиш;
- боланинг психомотор ривожланиш даражасини аниқлаш усулларини билиш;
- болалик даври учун мўлжалланган психологик тестларни қўллаш усуллари билан таништириш;
- турли ёшдаги болалар учун мўлжалланган Векслер тестини ўтказиш усуллари билан танишиш;
- психотерапия ва фармакотерапия усуллари билан таништириш;

- зарур тиббий ҳужжатларни тўла ҳажмда олиб бориш.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Назарий машғулотларда олган билим ва кўникмаларни беморларни қабул қилиш, куриш, кузатиш ва олиб бориш орқали мустаҳкамлайдилар ҳамда янада бойтадилар. Бунга модераторлар, тренерлар, шифокорлар бошчилигида тиббий ёрдам кўрсатиш ва мустақил ишлаш йўли билан эришилади. Шунингдек, дарслик ва ўқув кўлланмалар асосида магистратура талабалари билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, беморлар билан ишлаш, вазиятли масалалар ечиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали магистратура талабаси билимини ошириш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, қонун ва меъёрий ҳужжатлардан фойдалана билиш ва бошқалар тавсия этилади.

#### **4. Мустақил таълим ва мустақил иш, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар**

##### ***4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари рўйхати:***

1. Психологик ривожланиш босқичлари
2. Психологик ривожланишнинг зиддиётли даврлари
3. Интеллектуал ривожланишнинг асосий босқичлари
4. Асаб системаси филогенези ва онтогенези
5. Ўзбекистонда тиббиёт психологияси, психосоматик тиббиёт ва психотерапевтик ёрдамни ривожлантиришнинг истиқболли режалари
6. Олий руҳий функциялар
7. Онг ва жамият
8. Ҳарбий психология ва психотерапия
9. Психогигиена ва психопрофилактика
10. Оила психологияси. Оиладаги муносабатларни соғлом тарзда ўрнатиш.
11. Ўсмирлар психологияси. “Бебош бола” синдроми.
12. Депрессия даражасини аниқловчи замонавий психометрик усуллар.
13. Хавотирни даражасини аниқловчи замонавий психометрик усуллар.
14. стрессга турғунликни аниқловчи даражасини аниқловчи замонавий психометрик усуллар.

##### ***4.2. Тавсия этилаётган мустақил иш турлари, шакллари***

- тақдимотлар тайёрлаш;
- ўқув адабиётлари билан ишлаш;
- илмий журналлар билан ишлаш;

- интернет маълумотларини ўрганиш;
- беморлар курацияси;
- навбатчиликда туриш;
- вазиятли масала ва тестлар тайёрлаш;
- масофавий таълим технологиясидан фойдаланиш.

#### **4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

Модул тиббий психология бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

аудитория машғулотларидан ташқари тренажер, муляж ва симуляцион залларида/марказларида тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш;

- тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;
- беморлар курациясида даволовчи ёки навбатчи шифокор билан назорат қилишда иштирок этиш;
- аҳоли орасида санитар оқартув ишларни суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;
- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- модулнинг (фаннинг) бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;
- вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;
- CASE (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш;
- моделлар ясаш, кроссвордлар тузиш, органайзерлар тузиш ва ҳ.к.

#### ***Малакавий амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар***

Малакавий амалиёт даврида магистратура талабаси кунма-кун малакавий амалиёт журнали шаклида тўлдириб боради. Амалиёт раҳбари

томонидан ҳар бир амалиёт куни даврида бажарилган ишлар ҳажми баҳоланади ва кундалик имзоланади.

Малакавий амалиёт журналидаги маълумотлар талабанинг амалий кўникмаларга эга бўлганлик даражаси ҳақида маълумот беради.

Малакавий амалиёт тугагандан сўнг малакавий амалиёт журнали охирида амалиётга жавобгар шахс томонидан талабанинг иши баҳоланади ва унга тавсифнома ёзилади, у муассаса муҳри билан тасдиқланади ва малакавий амалиёт журнали топширилади. Агар бажарилган ишни ифода этган кундалик топширилмаса, амалиёт ўтилмаган деб ҳисобланади.

Малакавий амалиётни якуний баҳолашни тузилган комиссия амалга оширади. Комиссия аъзолари ОТМ ректори томонидан буйруқ асосида тузилади.

Малакавий амалиётининг якуний баҳолаш натижалари комиссия томонидан қайднома варақасига киритилади ва дастур директори томонидан рейтинг дафтарчасига тўлдирилади. Малакавий амалиёт дастурини (сабабли, сабабсиз) бажармаган талабалар якуний баҳолашга киритилмайди ва академик қарздор талаба сифатида муаммолари магистратура бўлими ва ректорат томонидан кўриб чиқилади ва индивидуал қарор қабул қилинади (расмийлаштирилади).

## **5. Асосий ва кўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари.**

### ***5.1. Асосий адабиётлар***

1. Ибодуллаев З.Р. Тиббиёт психологияси., Дарслик., 2009., 393 б.
2. Ибодуллаев З.Р. Тиббиёт психологияси., Дарслик., 2019., 495 б.
3. Карвасарский Б.Д. Клиническая психология. М., 2012., 867 б
4. Сидоров П.И., Парняков А.В. Клиническая психология. М., 2012., 863 б.
5. Джудит Тодд, Артур К. Богарт. Основы клинической и консультативной психологии. 2011.
6. McManus I.C. Psychology in medicine., 2013, 489 p
7. Michael E. Thase. Medical factors and psychological disorders., 2010.
8. Clinical Practice of Pediatric Psychology // Michael C. Roberts, Brandon S. Aylward, and Yelena P. Wu., 2012.
9. Pediatric Neuropsychology // Keith Owen Yeates, M. Douglas Ris, H. Gerry Taylor, and Bruce F. Pennington., 2008.

10. Integrating psychotherapy and psychopharmacology // Stephen M. Stahl., Bret A. Moore, 2014.
11. Fletcher J., Elaine E. Handbook of Clinical Child Neuropsychology., 2012.
12. Solso K. Когнитивная психология. М., 2013
13. Z. Freyd. Психоанализ., 2013, 645.

### ***5.2. Кўшимча адабиётлар***

1. Ibodullaev.Z.R. Asab kasalliklari. Т. 2014, 1000.
2. Ibodullaev.Z.R. Asab va ruhiyat. Т. 2015, 331.
3. Лурия А.Р. Основы нейропсихологии. М., 2010.
4. Сахакян У.С. Техника консультирования и психотерапия. Пер. с англ. М.: 2013.
5. Семенович А.В. Нейропсихологическая диагностика в детском возрасте. М., 2012.

### ***5.3. Интернет сайтлари***

1. [www.tma.uz](http://www.tma.uz).
2. [www.asab.uz](http://www.asab.uz)
3. [www.psychology.com](http://www.psychology.com)
4. [www.medvopros.com](http://www.medvopros.com).
5. [www.MedPortal.ru](http://www.MedPortal.ru)
6. [www.evrika.ru](http://www.evrika.ru)
7. [www.Med-edu.ru](http://www.Med-edu.ru)
8. [www.med-info.ru](http://www.med-info.ru)
9. [www.medagent.ru](http://www.medagent.ru)
10. [www.psychiatrist.com](http://www.psychiatrist.com)
11. [www.journals.medi.ru](http://www.journals.medi.ru)